
ИНСОН ҚАДРИ УЧУН – БАҒДОДДА БОҚУВЧИСИНИ ЙҮҚОТГАН ОИЛАЛАРГА ЯНГИ УЙЛАР ҚУРИБ БЕРИЛДИ

Вилоят ҳокими Хайрулло Бозоров бугун Бағдод туманининг “Мурувват” маҳалла фуқаролар ийинида бўлиб, боқувчисини йўқотган 12 та оиласа хайр-саҳоват маблағлари ва ҳашар йўли билан қуриб берилган уйларни эгаларига топшириш тадбирида иштирок этди, ташаббускорлар ва уй эгалари билан сухбатлашди.

Тумандаги “Қоровултепа” жоме масжиди имоми Маҳмудхон Абдуллаев жорий йилнинг апрель ойида туман ҳокимининг қабулида бўлиб, боқувчисини йўқотган оиласарни ижтимоий-моддий қўллаб-қувватлаш учун хайр-саҳоват маблағлари ҳисобига уй қуриб бериш ташабbusини билдирган эди. Мазкур ташабbus туман ҳокими Восилжон Назаров томонидан тўлиқ қўллаб-қувватланди: керакли мутахассислар ишга жалб қилиниб, лойиҳалар тайёрланди, уйларда аҳоли учун зарур барча қулийликларни яратишга алоҳида эътибор қаратилди.

Вилоят ҳокими Янги йил арафасида шунча оиласининг янги уй-жой эгасига айлангани уларга муносиб байрам совғаси бўлганини таъкидлаб, янги уйларда юртимизга, ҳалқимизга хизмат қиласиган ватанпарвар йигит-қизлар камол топишига тилак билдириди ҳамда ташаббускорларга ва бу уйларнинг қурилишида иштирок этганларга миннатдорчилик изҳор қилди.

[Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг Facebook,](#)
2021-12-27 22:14:22